

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

6/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/6 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

**12.00.00 – YURIDIK FANLAR**

<i>Umarxanova Dilidora Sharipxanovna</i> ЕВРОПА МИНТАҚАСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	9-14
<i>Yakubova Iroda Bahramovna</i> MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR VA MUALLIFLAR O'RTASIDAGI FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABARTLAR.....	15-26
<i>Sobirova Nozimaxon</i> СИТУАЦИОННОЕ ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ АКАДЕМИЧЕСКОЙ НЕДОБРОСОБЕСТНОСТИ: РОЛЬ ОБУЧЕНИЯ, МОТИВАЦИИ И ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДОВ К ОЦЕНКЕ .....	27-36
<i>Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли</i> ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ .....	37-45
<i>Турсунов Ойбек</i> ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА .....	46-53
<i>Ismoilova Aziza Alisher qizi</i> МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА GENDER TENGLIKNI TA'MINLASHDA GENDER HUQUQIY EKSPERTIZA АНАМИЯТИ ВА HUQUQIY MUAMMOLARI .....	54-60
<i>Safarova Shaxlo Pulatovna</i> YANGI O'ZBEKISTONNING HOZIRGI RIVOJLANISH DAVRIO'ZGARISHLARINING INSON HUQUQLARI TA'LIMINI AMALGA OSHIRISH VA RIVOJIGA TA'SIRI .....	61-67
<i>Akbaraliev Mukhayo Karamatullo kizi</i> CRIMINAL LIABILITY FOR KIDNAPPING IN FOREIGN COUNTRIES .....	68-71
<i>Valijonov Daler Dilshodovich</i> PROBLEMS OF COMBATING CORRUPTION: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND PRACTICE OF EU MEMBERS .....	72-76
<i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li</i> DAVLAT FUNKSIYALARI VA DAVLAT MOLIIYASI O'ZARO NISBATINING HUQUQIY MASALALARI .....	77-92
<i>To'xtayev O'ktamjon Zarifjon o'g'li</i> VAKILLIK INSTITUTINING FUQAROLIK-HUQUQIY TAHLILI .....	93-103
<i>Xaydarova Xилола Анваровна</i> НАСЛЕДОВАНИЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ ...	104-109
<i>Рахмонова Мохичехра Нодирбек кизи</i> СУВЕРЕНИТЕТ И ЮРИСДИКЦИЯ В КИБЕРПРОСТРАНСТВЕ .....	110-118
<i>Худайбердиева Шоҳиства Акмал қизи</i> ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА	

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР .....	119-129
<i>Alijonov Ayubjon Qobiljon o'g'li</i> RAQAMLI IQTISODIY HAMKORLIKNI XALQARO TARTIBGA SOLISH .....	130-136
<i>Fayzulloyev Shohijaxon Jobirovich</i> XALQARO SAVDODA NIZOLARNI HAL QILISH KONSEPSIYASINING RIVOJLANISHI: TARIXIY VA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR.....	137-141
<i>Fayzullaeva Shakhlo Jumaniyaz kizi</i> ISSUES OF ONLINE DISPUTE RESOLUTION UNDER THE WTO .....	142-147
<i>Raimov Elbek Bahodirovich</i> OLIY TA'LIM TASHKILOTINING YURIDIK SHAXS SIFATIDAGI HUQUQIY MAQOMI.....	148-152
<i>Alieva Kamola Ravshanovna</i> OVERCOMING LEGAL BARRIERS TO ENHANCE WOMEN'S POLITICAL PARTICIPATION IN UZBEKISTAN .....	153-161
<i>Juraeva Asal</i> MECHANISM OF ENFORCING ICA AWARDS IN UZBEKISTAN .....	162-166
<i>Rakhmonov Otabek</i> THE ROLE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE REORGANIZATION OF JOINT STOCK COMPANIES .....	167-171
<b>07.00.00 – TARIX FANLARI</b>	
<i>Elmuratov Ortiq Oltiboy o'g'li</i> TURONNING YUNON-MAKEDONLARGA QARAMLIK DAVRI ME'MORCHILIK AN'ANALARI.....	172-179
<b>08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI</b>	
<i>Imamov Javokhir</i> LEVERAGING INTERNATIONAL BEST PRACTICES FOR ESTABLISHING MODERN TECHNOLOGICAL INDUSTRIAL ZONES IN UZBEKISTAN .....	180-183
<i>Baxtiyarov Sirojbek Ilxombek o'g'li</i> URBANIZATSIYA TUSHUNCHASI, TURLARI VA UNING TAHLILI .....	184-190
<b>09.00.00 – FALSAFA FANLARI</b>	
<i>Shodmonova Shaxnoza Dadaxujayevna</i> “TAHDID” FENOMENI VA UNING SIYOSIY JIHATLARI .....	191-196
<b>10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI</b>	
<i>Bawetdinov Mukhammeddin</i> UZAQBAY PIRJANOVNING PEYZAJ LIRIKASI .....	197-202
<i>Соҳибова Зарнигор</i> ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСИДА ДАРАХТ ОБРАЗИ (ЗУЛФИЯ ИЖОДИ МИСОЛИДА) .....	203-206
<i>Jonridova Sanobar Sherali qizi</i> O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA IMPLIKATSION BIRLIKLAR TADQIQI .....	207-211

**Received:** 10 August 2024  
**Accepted:** 15 August 2024  
**Published:** 25 August 2024

*Article / Original Paper*

## **THE IMAGE OF A TREE IN LANDSCAPE LYRICS (AS AN EXAMPLE OF ZULFIA'S POETRY)**

**Sohibova Zarnigor**

Doctoral student (DSc) of the Department of Uzbek language and literature of Bukhara State University

[sohibovazarnigor81@gmail.com](mailto:sohibovazarnigor81@gmail.com)

**Abstract.** In poetry, existence, the sky, seasons, the world around us, its parts are of special importance as an artistic detail reflecting the mental landscapes of the lyrical hero, as a means of drawing philosophical conclusions from the poetic work. In poetry, the artistic interpretation of natural scenery is evaluated as examples of landscape lyrics. In this article, poems related to landscape lyrics from the works of Zulfiya, a great representative of Uzbek literature, are analyzed and the symbolic meanings of the image of the tree are emphasized. It also talks about the symbolic content and its uniqueness embedded in this image in the work of the poetess.

**Keywords:** Zulfiya, nature image, landscape lyrics, image, symbol, human figure.

## **ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСИДА ДАРАХТ ОБРАЗИ (ЗУЛФИЯ ИЖОДИ МИСОЛИДА)**

**Соҳибова Зарнигор**

Бухоро давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси докторанти (DSc)

**Аннотация.** Шеърятда борлиқ, самовот, йил фасллари, бизни ўраб турган олам, унинг қисмлари – лирик қаҳрамоннинг руҳият манзараларини акс эттирувчи бадий детал, шеъринг асардан фалсафий хулосалар чиқариш воситаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Поэзияда табиат манзарасининг бадий талқини пейзаж лирикаси намуналари сифатида баҳоланади. Ушбу мақолада ўзбек адабиётининг йирик вакили Зулфия ижодидан пейзаж лирикасига оид шеърлар таҳлил қилинган ва дарахт образининг рамзий маъноларига урғу берилган. Шунингдек, унда шоира ижодида бу образга сингдирилган рамзий-тимсолий мазмун ва унинг ўзига хослиги ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Зулфия, табиат тасвири, пейзаж лирикаси, образ, рамз, инсон сиймоси.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI6Y2024N27>

**Кириш.** Адабиётимизда бизни ўраб турган борлиқ, табиат тасвири ҳақида ёзилган шеърлар бисёр. Кўпинча, бундай шеърлар пейзаж лирикаси намуналари сифатида баҳоланади. Улар ўзида турфа рамзий-тимсолий маънолар, инсон руҳий дунёсининг ранг-баранг суратларини акс эттиради. Бу туркумдаги шеърларни таҳлил қилар эканмиз, дарахт образига кўп мурожаат қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Бу образ ўзида турфа ҳаётинг маъноларни ташийдди. Энг аввало, дарахт ҳаётинг ва ҳаётнинг давом этишини ифодалаб келади. Шунингдек, бу тимсол инсон сиймосини акс эттирадики, унинг моҳиятини очиш табиат тасвири берилган шеърлар мазмунини тушинишда айрича аҳамиятга эга.

**Асосий қисм.** Дарахт образи Зулфия ижодида айниқса кўп қўлланган. Шоиранинг Ҳамид Олимжонга бағишланган машҳур “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеъри кўпчилик назм ихлосмандларининг қалбидан жой олган. Биз агар лозим бўлса, бу шеърни пейзаж воситасидаги садоқат ва ҳижрон куйланган энг яхши шеър деб атаган бўлардик. Шеърдаги поэтик тасвир ғоят содда, гўзал ва ҳаётий. Табиатнинг бу галги уйғониши одатий эмас, бу соғинчдан, ҳижрон изтиробидан туғилган кўклам. Қалб оғриқлари табиат ҳодисалирига уйғун тасвирланган бу шеърда дарахт образи ҳаёт давомийлигини ифодалаб келган.

Зулфиянинг “Азиз туйғулар” номли туркум шеърларни бирлаштирадиган образ – баҳордир. Бу шеърларда баҳор ташийдиган маъно шунчаки табиат ҳодисасидан фарқ қилиб, фурсат ғаниматлиги, умр ўткинчилиги, меҳнат ва меҳрнинг, Ватанга муҳаббат ва инсон садоқатининг ҳаётий кучини ифодалайди. Шоира фикрини ўқувчига тўла етказиш учун баҳорга ёндош дарахт образига, хусусан, мажнунтолга мурожаат қилади. “Мажнунтол” шеъри таҳлили фикримизни тасдиқлайди:

Яланғоч дарахтлар ора мажнунтол,  
Шоир хаёлидай латиф, серҳашам.  
Бутун новдалару танлари зилол,  
Шу ерда таваллуд топмиш илк кўклам[4,102].

Санъаткорнинг бошқа инсонлардан фарқи унинг бошқалар кўрмаган гўзалликлардан завқлана олиши ва буни образли тасвирлашида кўринади. Баҳорнинг илк ташрифини назмда турлича ифодалайдилар. Масалан, Навоий “ғунчайи хандон била” ёр ҳусни гулида “хуррам баҳор”ни[1,140] кўрса, Бобур “баҳор айёми”ни “йигитликнинг авони”да[2,56] кўради. Чўлпон “Кўк кўйлакнинг битишига унча кўп ҳам қолмаган!”[10,491] дея ҳайқирса, Абдулла Орипов “Гўдак нафасидек юпатар юзни Қиш бўйи интизор кутган баҳорим”[8,120] дея шивирлайди. Эркин Воҳидов “Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ”[3,204] тарзида кўклам келишини ифодаласа, Муҳаммад Юсуф “Бойчечакка борар йўллар очилсин”[7,146] тарзида унинг келишига муносабат билдиради. Кўринадики, баҳорнинг туғилишини мажнунтолнинг зилол танларида кўриш эса фақат Зулфия ижодига хос поэтик топилмадир.

Зилол бу ёмғирнинг тагида бир чол  
Умр ва қиш юкларидан гўё олар дам.  
Юз-кўзида яйрар баҳорий хушҳол,  
Кифтга зилол толдан тўн ёпмиш кўклам.

Бу бандда ўз ҳаёт йўлига назар ташлаётган инсон образи шеърга олиб кирилган. Тасвир жуда аниқ, бўёқлар ёрқинлигидан киши кўз ўнгида буюк мусаввир чизган суратни намоён қилади. Юз-кўзларида ҳаётдан мамнунлик акс этиб турган бу чол ким ўзи? Нега ёмғир остида, елкасига мажнунтолдан зилол тўн ёпиб турибди? Бу тасвирда бир умрнинг сўнгги ва янгисининг ибтидоси – ҳаёт давомийлиги ифодаланган. Кейинги бандда муаллиф ҳусни таълил санъатидан маҳорат билан фойдаланади, мажнунтолнинг табиий қиёфасидан ибратли хулоса чиқаради:

Мажнунтол йиғлоқи, боши ҳам дерлар,  
Қўлларин чўзган-чун тупроқ тафтига.  
Ҳаёт-чун, ҳусн-чун, ризқ-чун таъзим-ла  
Лабларин қўймоқчи сахий кафтига.

Мажнунтол нафақат борлиги учун заминдан миннатдор, балки унинг бу туришида юксак садоқат ҳам акс этиб турибди:

Дарахт ҳам инсоний ердан олар жон,  
Инсон қачон ердан кетган узилиб?  
Мажнунтолда зилол шодлик бир жаҳон:  
Яшайди тупроққа садоқат бўлиб.  
Садоқат бўлмаса, одамзод албат,  
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт[4,103].

“Азиз туйғулар” туркумидан ўрин олган “Боғлар қийғос гулда” номли шеърда ҳам дарахт образини учратамиз. Пейзаж лирикасига оид бу шеърда баҳорда гулларга бурканган ҳар бир дарахт ўзга бир олам эканлиги билан эътиборни тортади (“Ҳар дарахт анвойи бир тароватда”, “Ўзга кўрк, ўзга ранг ҳар бир дарахтда[4,104]”).

Кейинги бандда дарахт ташийдиган маъно бироз кенгаяди. Энди у инсонни эмас, миллат тушунчасини ифодалайди. Инсонни англатиш эса дарахт барглари зиммасига ўтади:

Ҳар навда бир гулда, ҳар гулда бир рўй,  
Ҳар дарахт барги бир дунё ҳикоя.  
Ҳар бирин ҳосили ўзгасига кўрк,  
Бири бири учун қудрат, ҳимоя.

Дарахтлардаги камолот учун у ўсаётган заминнинг аҳамияти катта бўлганидек, инсонлар ва миллатларнинг фаровонлиги Ватанга боғлиқдир. Кейинги мисраларда шеърдаги фикр динамикаси баҳордан меҳнатга, меҳнатдан Ватан муҳаббатига, равнақига, сержило толега томон ўсиб боради:

Ватаним кўзимда: қай бурчи азиз,  
Билмам, қайда толе серзавқ, сержило?  
Ялпи тўлишади бедахл юртимиз,  
Нақ ҳар қаричи дил, жон томир гўё.

Муаллифнинг маҳорати шундаки, шеърдаги фикр банддан бандга ўтгани сайин кучайиб боради ва охирида фалсафий хулосага йўл очади:

Бир қардош тинчисиз – ўзга беором,  
Бирининг нонисиз – ўзга эмас тўқ...  
Бу – қадим дунёда янги бир олам,  
Бунда орқа тоғсиз бир тирик жон йўқ.  
Таянч бўлмасайди, одамзод албат,  
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт[4,104].

Дунё яралибдики, ундаги ҳар бир жисм, жонли ва жонсиз яратиклар, бир-бирига чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тақазо қилади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Бири иккинчисига таянч, ҳар бири ўзига хос кичик оламлар бир-бирига суянчиқдир. Бу фалсафий мазмун пейзаж лирикасига мансуб кўпгина асарларга тегишли бўлиб, Зулфиянинг юқоридаги мисралари фикримизни тасдиқлаб турибди.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: “Фан” 1988. – 616 б.
2. Бобур. Сочининг савдоси тушди: Шеърлар. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов, масъул муҳаррир В.Раҳмонов. – Тошкент: “Шарқ”, 2007. – 288 б.
3. Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2018. – 688 б.
4. Зулфия. Сайланма. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Олимжонова, О.Олимжонов. – Тошкент: “Шарқ”, 2015. – 272 б.
5. Zulfiya. Bahor keldi seni so'roqlab: She'rlar. – Toshkent: “Yangi asr avlodi”, 2019. – 192 b.
6. Муҳаммад Юсуф. Шоир севгиси. Тузувчи: Назира ас-Салом. – Тошкент: “Ношир”, 2014. – 196 б.
7. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1 жилд. Шеърлар ва дostonлар Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 2000. – 432 б.
8. Чўлпон. Яна олдим созимни. Роман, драма, шеърлар. – Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1991. – 576 б.